



ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ
НОВЫЕ ЗАКОНЫ
УЗБЕКИСТАНА

18

“АДОЛАТ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

*(Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг 1-чақириқ
IX—X сессиясида қабул қилинган
қонун ва қарорлар)*

18

Тошкент
«Адолат»
1998


У — 40

Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 18—Т.: «Адолат» 1998 й.
296 б.

Сарлавҳа олдида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

ББК 67. (54)—3.

Нашр учун масъул: **Б. Ш. МИРБОБОВ**
М. М. МИРСАМАДОВ



У. 11203020000—009
----- 5—6—98
(04) — 98

© «Адолат», 1998 й.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТУҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997 йил 29 август

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1997 йил, 11—12-сон, 295-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда Миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотиға алоҳида эътибор берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янги-ланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти-ни шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг айдо-заларини ўзгартириш республикада амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатланти-рувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий мадани-ят, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал ти-зимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг му-ҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидала-рига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажри-банинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёси-даги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак уму-мий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равиш-да мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йў-налтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурла-рини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўз-лаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этайдиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини таълаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб туриб-

ди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳудудий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитурientлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб тўрт минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг саккиз фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, тўрт марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

1.2. Камчиликлар ва муаммолар

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайди.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳот, янгилашни жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳоли қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилна ҳаётий ёчимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9—11-синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланиган эмас. Ўрта мактаб битирувчиларининг ўн фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламайди. Ҳар йили таянч мак-

табларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланимай қолапти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ холи бўлганича йўқ, уларда маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти.

Ҳунар-техника билим юр்தларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмайди. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юр்தлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. Ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касб-ҳунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш со-

ҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишлабмоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77—80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши «улғайиб» бормоқда. Республика олий ўқув юртларида қирқ ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланиётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЕБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур дастурнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори маънавли кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутати:

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мўҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори маънавли мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек подавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2.2. Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997—2001 йиллар) — мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур: «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмузини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда подавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўр-

сатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминлаган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001—2005 йиллар) — Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) —

тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустақкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Қасб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустақкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш — кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тай-

ёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

3.1. Шахс

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутати. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири — билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўсбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутати.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим стандартлари орқали сифатли таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг, яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

3.2. Давлат ва жамият

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича

таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига;

давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;

таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

3.3. Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

таълимнинг устуворлиги — унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг демократлашуви — таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг

кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига утилиши;

таълимнинг инсонпарварлашуви — инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг ижтимоийлашуви — таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутди:

таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги тиндаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини мипгақалаштириш;

таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда она, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига ҳолис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

таълим тизимини моливий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;


таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаол янги олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалар-



даги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъмин-
ланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тай-
ёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос ху-
сусяти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўр-
та ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини
жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дас-
турларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурла-
рига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим,
бошланғич таълим (I—IV синфлар), умумий ўрта таъ-
лим (I—IX синфлар), ўрта махсус, касб-ҳунар таъли-
мини қамраб олади.

Касб-ҳунар таълими дастурлари ўрта махсус, касб-
ҳунар таълими, олий (бакалавриат, магистратура) таъ-
лим ва олий ўқув юртидан кейинги таълими, кадрлар
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қам-
раб олади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама ка-
мол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга
интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олиш-
га тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёш-
га етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия бо-
лалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оши-
рилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини
рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия таш-
килотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйида-
гиларни амалга ошириш лозим бўлади:

малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор ра-
вишда тайёрлаш;

мактабгача таълимнинг самарали психологик-педа-
гогик услубларини излаш ва жорий этиш;

болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психоло-
гик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

замонавий ўқув-услугий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг боғи маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ

Тўққиз йиллик (I—IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I—IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг файлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга оғли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

мактабнинг I—IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;

таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

УРТА МАХСУС. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Умумий ўрта таълим негизда ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши—академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб оlingан касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

ҳудудларнинг жўгрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эhtiёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат — мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

«Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартишлар ўтказиш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргар-

ликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсон-парварлик йўналишини таъминлаш.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илгор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунинг-

дек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инobatга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг, мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига-олади, бу соҳада:

табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланиди, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашиш амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаш-

тириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

илгор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўرғазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари таъминлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги

вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:
турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига кўмаклашади;

муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуилари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизimini шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб-ҳунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда tutувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизimini ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизimini учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, «Маънавий ва маърифат» жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва

прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол йштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшарни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларин намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. Таълим тизимини бошқариш

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-хунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи

давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Уқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими татбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. Таълим тизимини молиялаш

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. Моддий-техника таъминоти

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касбунаар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жихозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг наширёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагоглар-

нинг ўқини, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илгор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илгор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилади.

5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШҚИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;

Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қоидалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принциплар ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва мар-

казлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунозам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қўйидаги вазифалар юк­ланади:

узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйиладиган умумий талаблар­ни ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандарт­ларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлардан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни ака­демик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудлар­нинг демографик, жўгрофий хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлашти­риш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлай­диган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёр­лаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим му­ассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолия­тини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат таш­килотларининг масъулиятини ошириш;

таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва ада­биётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожланти­риш;

профессор ва педагог кадрларни ривожланган мам

лакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар лугатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997 йил 25 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 4-модда)

**1-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сана-
ция қилишнинг мақсади ва асосий вазифа-
лари**

Судгача санация қилиш (бундан буён санация деб юритилади) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатишга қадар амалга оширилади ва қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида унинг фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришларини амалга ошириш;
рақобатбардор маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш.

**2-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сана-
ция қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-
лари**

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш жа-раенида вужудга келадиган муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Санация объектлари ва субъектлари

Зарар кўриб ишловчи, тўловга қобилиятсиз ва иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари санация объектлари бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкининг мулкдорлари, кредиторлар ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар санация субъектлари бўлиши мумкин.

4-модда. Санация шакллари ва асосий турлари

Санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш асосидагина жалб этилади.

Санациянинг асосий турлари қуйидагилардан иборат;

ўзаро қарз суришишни ташкил этиш;

тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;

солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириш;

корхонани рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

ташқаридан юқори малакали мутахассислар жалб этиш;

ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонида молиявий ёрдам кўрсатилиши;

корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан кечиш тўғрисида корхона ва кредитор (кредиторлар) ўртасида битим тузиш;

ташқаридан бошқаришни жорий этиш;

корхонани қайта ташкил этиш.

5-модда. Санация қилиш вақтида давлат ёрдами

Санация қилиш вақтида қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат ёрдами иқтисодий ва ижтимоий ривож-

лашнинг энг муҳим йўналишларига қараб, тармоқни ривожлантириш, шунингдек меҳнат бозори ва иш ўринларини пуқудга келтириш учун корхонанинг қанчалик муҳим аҳамияти ва жамлигини ҳисобга олган ҳолда берилган

6-модда. Санация ишлари бўйича ваколатли орган

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича давлат сифатини Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ваколат берилган санация ишлари бўйича орган (қуйида «ваколатли орган» деб юритилди) амалга оширади.

7-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш вақтида эътиборга олинadиган хусусиятлар

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш вақтида қуйидаги хусусиятлар эътиборга олинади:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг озиқ-овқатлар етиштиришга қаратилган ва стратегик йўналишлари;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ердан оқилона ва аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилишини таъминлаш зарурлиги;

қишлоқ хўжалиги корхонаси фойдаланаётган ерларнинг ҳолати;

ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумийлиги ва давом этиш муддати;

ишлаб чиқариш натижаларининг табиий-иқлим шароитларига боғлиқ эканлиги;

даромадлар юзага келиши ва улардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари.

8-модда. Санация ўтказилиши устидан назорат

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш устидан назоратни ваколатли орган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

9-модда. Санация ўтказиш учун сарфланадиган маблағ манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш учун сарфланадиган маблағ манбалари қуйидагилардан иборат:

корхона мол-мулки мулкдорлари, кредиторлар, корхоналар бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдам;

давлат маблағлари;

қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўз маблағлари;

қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағ манбалари.

10-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг кредиторлари талабларини қондириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11-модда. Санация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш асоси

Ваколатли органнинг қишлоқ хўжалик йили якунлари бўйича молиявий ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижасида қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини ва иқтисодий қувватини тиклаш учун реал имкониятлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг молиявий аҳволи ҳақда даражадалигига қараб, санациянинг ҳар хил шакллари ва турлари қўлланилади.

12-модда. Санация ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома

Қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкининг мулкдори, корхона мол-мулки мулкдорининг розилиги билан кредитор (кредиторлар) ваколатли органга санация ўтказиш тўғрисида илтимоснома топшириши мумкин. Ваколатли орган корхона мол-мулки мулкдорининг рози-

лиги билан қишлоқ хўжалиги корхонасида санация ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

13-модда. Санация ўтказиш муддати

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш йиғирма тўрт ой муддатгача жорий этилади.

14-модда. Санация ўтказиш тўғрисидаги қарор

Ваколатли орган қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида хўжалик суди томонидан ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қарор қабул қилиниши мумкин.

15-модда. Санация ўтказиш учун танлов эълон қилиш

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган корхона мол-мулкининг мулкдори ва кредиторларнинг розилиги билан матбуотда санация ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилади. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза танлов ўтказиш ҳақида эълон чиқарилган кундан эътиборан бир ой муддат ичиде ваколатли органга топширилади.

Башарти, танловда иштирок этиш учун ариза бериш муддати тамом бўлгунига қадар ҳеч ким санация қилишда иштирок этиш истагини билдирмаса, ваколатли орган санация қилиш учун давлат маблағларини жалб этиш ёки материалларни қонунга мувофиқ банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун хўжалик судига юбориш мумкинлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

16-модда. Кредиторлар талабларини қондиришга мораторий жорий қилиш

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган корхонанинг ижро муддати санация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар бошланган пул мажбуриятлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбу-

рий тўловларига мораторий жорий қилади. Мораторийнинг амал қилиш муддати давомида молиявий (иқтисодий) жазолар қўлланилмайди.

Мораторий фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш юзасидан қўядиган талабларига, шунингдек, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасига нисбатан қўядиган талабларига дахл қилмайди.

17-модда. Санация ўтказиш режаси

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилишда иштирок этишига йўл қўйилган шахслар бир ойлик муддат ичида санация ўтказиш режасини ишлаб чиқишлари шарт.

Санация ўтказиш режасида қуйидагилар, чунончи: тўлов қобилиятини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар мажмуи;

барча кредиторларнинг талаблари улар билан келишилган муддатларда қондирилишини таъминлаш мажбурияти;

санациянинг қанча муддат давом этиши;

маблағларни қайтариш шартлари ва муддатлари;

санация ўтказиш режасида бошқа қондалар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Санация ўтказиш режасида қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий воситаларни санация иштирокчиларига топшириши назарда тутилиши мумкин эмас.

Санация иштирокчилари зиммасига кредиторлар олдида олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришлари шарт ва бу мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгар бўладилар.

Санация ўтказиш тўғрисида ишлаб чиқилган режа қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкининг мулкдори ва кредитор (кредиторлар) билан мувофиқлаштирилади.

18-модда. Санация ўтказиш режасининг экспертизаси ва уни тасдиқлаш

Иштирокчилар томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш режаси ваколатли органга экспертиза учун тақдим этилади.

Экспертиза натижалари қишлоқ хўжалиги корхона-сининг тўлов қобилиятини ва иқтисодий қувватини тик-лашга қаратилган чора-тадбирларни реал амалга оши-риш мумкинлигини аниқлаб бериши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш ре-жасини ваколатли орган тасдиқлайди.

19-м о д д а. Ташқаридан бошқариш

Ташқаридан бошқариш — санация қилиниши лозим бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини бошқаришни ташкил этиш услуги бўлиб, бунда корхо-нани бошқариш ва унинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар ташқаридан тайин-ланган бошқарувчига ўтади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини ташқаридан бошқа-ришни ваколатли орган йигирма тўрт ой муддатгача жо-рий этади.

Ташқаридан бошқариш жорий этилган пайтдан бош-лаб:

қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва бошқарув органларининг ваколатлари тўхтайти ва ташқаридан тайинланган бошқарувчига ўтади. Корхонанинг бошқа-рув органлари ташқаридан бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан етти кун ичида корхонанинг бухгал-терия ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа бойликлари ташқаридан тайинланган бошқарувчига топширилишини таъминлашлари шарт;

пул мажбуриятлари, солиқ тўловлари бўйича креди-торларнинг талаблари қондирилишига, йиғимлар ҳамда қишлоқ хўжалиги корхонасининг бошқа мажбурий тў-ловлари амалга оширилишига мораторий жорий эти-лади.

20-м о д д а. Ташқаридан тайинланган бошқарувчи

Ташқаридан бошқарувчи туман ҳокими томонидан ваколатли орган, қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мул-кининг мулкдори, кредитор (кредиторлар) билан ке-лишилган ҳолда тайинланади.

Ташқаридан тайинланган бошқарувчи:

қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва бошқарув органларининг ваколатларини амалга оширади;

санация ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва уни ваколатли органга тақдим этади;

ҳудудий бошқарув органи билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхонасининг штатлар жадвалини тасдиқлайди ва хўжаликнинг бош мутахассисларини тайинлайди;

кредиторлар билан қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида корхона номидан битим тузади;

корхона мол-мулкини рўйхатдан ўтказади;

ташқаридан бошқарувни амалга ошириш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисобварақ очади;

бухгалтерия, молия, статистика ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

корхонага нисбатан қўйилган талабларга белгиланган тартибда эътироз билдиради;

корхонага тўланиши лозим бўлган қарзларни ундириш чораларини кўради;

кредиторларнинг талабларини кўриб чиқади;

ваколатли органга санация ўтказиш режаси қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Башарти, санация ўтказиш режасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташқаридан тайинланган бошқарувчи йирик битимларни қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкининг мулкдори, кредиторлар ва ваколатли орган билан келишилган ҳолдагина тузади.

Йирик битимлар жумласига битим тузиш пайтида қишлоқ хўжалиги корхонаси активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортиқ миқдорда баланс қийматига эга бўлган кўчмас мулк ёки бошқа мол-мулкни тасаруф этишга олиб келадиган битимлар киради.

Башарти, ташқаридан бошқариш жорий этилганидан кейин пайдо бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасининг пул мажбуриятлари миқдори кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ талаблар суммасининг йигирма фоизидан ортиқ бўлса, ташқаридан тайинланган бошқарувчи қишлоқ хўжалиги корхонасининг янги пул мажбуриятларига сабаб бўлувчи битимларни фақат қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкининг мулкдори, кредиторлар ва ваколатли органнинг розилиги билангина тузиши мумкин, санация ўтказиш режасида назарда тутилган битимлар бундан мустасно.

21-м о д д а. Ташқаридан тайинланган бошқарувчи ваколатларининг тўхтатилиши

Ташқаридан тайинланган бошқарувчининг ваколатлари:

унинг аризасига мувофиқ;

у ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган бўлса, қишлоқ хўжалиги корхонаси кредиторлари ёки унинг мол-мулки мулкдорининг илтимосномасига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилиши мумкин.

Ташқаридан тайинланган бошқарувчининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисидаги қарор туман ҳокими томонидан ваколатли орган, қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкининг мулкдори, кредитор (кредиторлар) билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

22-м о д д а. Санация қилишнинг тўхтатилиши

Санация қилиш:

уни ўтказиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин;

қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилмаётганлиги сабабли;

санация қилишнинг самарасиз эканлиги аниқланганлиги муносабати билан тўхтатилиши мумкин.

Санация қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ҳам тўхтатилиши мумкин.

Санация қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни ваколатли орган чиқаради.

Санация ўтказиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

мақсадга эришилганлиги муносабати билан санация қилишни тамомлаш тўғрисида;

санация ўтказишни ушбу Қонунда белгиланган муддат доирасида давом эттириш тўғрисида;

мақсадга эришилмаганлиги муносабати билан санация қилишни тамомлаш тўғрисида;

санация ўтказишни ушбу Қонунда белгиланган муддат доирасида давом эттириш тўғрисида;

мақсадга эришилмаганлиги муносабати билан санация қилишни тўхтатиш тўғрисида.

**23-м о д д а. Санация қилиш тўғрисидаги қонун ҳуж-
жатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Санация қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИНИ
САНАЦИЯ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1997 йил 25 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 5-модда)**

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қ а
р о р қ и л а д и:

1. «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мат-
буотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга қири-
тилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳукумат қарорларини «Қишлоқ хўжалиги қорхоналари-
ни санация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-
касининг Қонунига мувофиқлаштира син, вазирликлар ва
идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳуж-
жатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишлари
ни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси.

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997-йил 26 декабрь

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 10-модда)**

1-м о д д а. Оммавий ахборот воситалари

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфиркабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

2-м о д д а. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3-м о д д а. Сўз эркинлиги

Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри, ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

4-м о д д а. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қи-

линаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларининг тили

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширади.

6-модда. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суистеъмолларга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жинсий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади.

7-модда. Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти муассис томонидан тузилади ҳамда ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, ўз устави (низоми) асосида иш олиб боради.

8-м о д д а. Таҳририят ходими

Таҳририят ходими деганда таҳририят штатида турувчи ва материаллар тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

9-м о д д а. Журналистик текширув

Таҳририят ходими мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видео техникадан фойдаланишга ҳақли. Журналистик текширув тергов ва суд жараёнига таъсир ўтказмаслиги керак.

Таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга, агар воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир.

10-м о д д а. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Оммавий ахборот воситаси хабар, маълумот, факт ёки далиллар тақдим этган манбаининг ёки таҳаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситаси ахборот манбаининг ёки таҳаллусини қўйган муаллифнинг илтимосига биноан, судда унинг номидан иштирок этиши мумкин.

11-м о д д а. Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

12-м о д д а. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш

Таҳририят рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома олинганидан кейин фаолият бошлаши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган давлат органига белгиланган тартибда муассис томонидан топширилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Оммавий ахборот воситасини чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сақланиб туради. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

13-модда. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада оммавий ахборот воситасининг:

- 1) муассиси (муассислари);
- 2) номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили;
- 3) мақсад ва вазифалари;
- 4) қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги;
- 5) даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ҳамда пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак.

Кўрсатилган маълумотларда ўзгариш бўлса, оммавий ахборот воситаси белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Ўзгартишлар жиддий бўлмаган ҳолларда рўйхатга олувчи орган оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартиб ва миқдорларда ундирилади.

14-модда. Ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш

Ўзларининг норматив ҳужжатлари ёки ўзга ҳужжатларни расмий нашрларда, ахборотномалар, бюллетен

тенларда чиқарувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, ўз фаолиятлари учун зарур бўлган ахборот материалларини ҳамда ҳужжатларни чиқарувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (шу жумладан, ўқув ва илмий муассасалар) ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий тарқатишга мўлжалланмаган ёки қўлёзма тарзида кўлайтириладиган босма, видео ва аудиовизуал маҳсулотни техникавий воситалар ёрдамида тайёрлаш ишларини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

15-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

1) оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ушбу Қонунга зид бўлса;

2) бундан аввал худди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса;

3) ариза суднинг оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига бир йил тўлмай берилган бўлса;

4) оммавий ахборот воситаси муассиснинг ёки муассисларидан бирининг ёхуд ноширининг манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бунга асос бўлган сабаб кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма маълумот юборилади.

16-модда. Оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш

Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган органнинг ёхуд суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

Муассис оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган тақдирда муҳаррир (бош муҳаррир) ёки таҳририят хо-

димини ушбу Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ худди шу номда оммавий ахборот воситаси таъсис этиш масаласини қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

17-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этганлик ёки унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби

Давлат органи томонидан оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишнинг рад этилиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан оммавий ахборот воситасининг муассиси ёки таҳририяти судга шикоят қилиши мумкин.

18-модда. Оммавий ахборот воситасининг устави (низомини)

Оммавий ахборот воситаси ўз фаолиятини муассисе тасдиқлайдиган устав (низом) асосида юритади.

Оммавий ахборот воситасининг устави (низомини) таҳририят ходимлари умумий мақоридининг камидан учдан икки қисми иштирокидаги умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассисе томонидан тасдиқланади.

Уставда (низомда) муассисе, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят ходимларининг вазифалари белгиланади ва оммавий ахборот воситасининг муассиси, номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили, фаолият тури ва мақсадлари, таҳририят мол-мулки манбаи ҳамда фойдани (даромадини) тақсимлаш тартиби, наشرни қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари кўрсатилади.

Устав (низом) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид келмаслиги керак.

19-модда. Оммавий ахборот воситасининг муҳаррири (бош муҳаррири) ва таҳрир ҳайъати

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситасини таҳририяти, таҳрир ҳайъати ишига раҳбарлик қилади, муассисе билан муносабатларда оммавий ахборот воситаси номидан иш олиб боради.

Муҳаррирни (бош муҳаррирни) лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби уставда. (низомда) белгилаб қўйилади.

Таҳрир ҳайъати оммавий ахборот воситаси уставда (низомида) назарда тутилган тартибда тузилади. Оммавий ахборот воситасининг муассиси, таҳририяти ва ношири ўртасидаги ишлаб чиқариш, мулкӣ, молиявий ва бошқа муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

20-модда. Оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштироки

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларига ҳомийлик қилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари билан ҳомийлар ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳомийларнинг оммавий ахборот воситалари ва улар ходимларининг касб фаолиятига аралашуви тақиқланади.

21-модда. Нашрга оид маълумотлар

Даврий нашрнинг ҳар бир сонида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- 1) нашрнинг номи;
- 2) таҳририятнинг манзили;
- 3) муассис (муассислар)нинг номи;
- 4) муҳаррирнинг (бош муҳаррирнинг) фамилияси, исми-шарифи;
- 5) даврий нашрнинг рўйхатга олинган тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, газеталарнинг эса, шунингдек, чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти;
- 6) алоқа корхоналари орқали тарқатиладиган даврий нашрлар учун индекс рақами;
- 7) тиражи;
- 8) босмаҳонанинг номи ва манзили.

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти ҳар сафар эфирга чиққанда, узлуксиз эшиттириш чоғида эса, бир кеча-кундузда камида тўрт марта телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти номини эълон қилиши шарт.

22-м о д д а. Назорат нусхалари ва тақдим этилиши шарт бўлган нусхалар

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари таҳририятга, муассисга ва рўйхатга олувчи органга беиул юборилади.

Даврий босма нашрларнинг тақдим этилиши шарт бўлган нусхалари юбориладиган ташкилотлар ва муассасаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

23-м о д д а. Телекўрсатув ва радиоэшиттириш материалларининг сақланиши

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририятлари телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар материалларини (плёнкаларни) улар эфирга берилганидан сўнг бир ой давомида сақлаб туришлари, олдиндан ёзиб олмай, тўғридан-тўғри эфирга бериладиган кўрсатувлар ва эшиттиришларни рўйхатга олиш дафтарини юритишлари, уларнинг мавзуи, намойиш этилган (эфирга берилган) кунни, бошланган ва тугаган вақти, уларни олиб борган кишининг фамилияси ва исмини қайд этиб боришлари шарт.

Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни рўйхатга олиш дафтари унга сўнгги ёзув киритилган кундан бошлаб бир йил давомида сақланади. Тарихий, илмий, маданий ва бошқа йўсиндаги аҳамиятга молик материаллар қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сақланиши керак.

24-м о д д а. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини бевосита ноширнинг ва таҳририятнинг ўзи ёки шартнома асосида алоқа корхоналари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар тарқатиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чоп этишга (эфирга беришга) рухсат этганидан кейингина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини

тарқатиш Ўзбекистон Республикаси тегишли қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар қондалари асосида амалга оширилади.

25-модда. Расмий хабарлар, ахборот ва эълонларни эълон қилиш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари мазкур органларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилиш хабарлар ёки давлатнинг ваколатли органлари томонидан омма эътиборига зудлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини таҳририят кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шарт.

Бошқа ҳар қандай хабар, ахборот ва эълонлар таҳририят билан ўзаро шартнома тузиш асосида эълон қилинади.

26-модда. Муаллиф материаллари ва хатларидан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларида тегишли қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда журналистика, адабиёт, санъат асарларидан ва илмий асарлардан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида мазмунини бузмаган ҳолда уларнинг матнини қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилади.

Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

27-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар ўз раддиясини мазкур оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб махсус рукида ёхуд ана шунга сабаб бўлган материал босилган айти ўша саҳифада эълон қилиниши шарт. Раддия ёки жавоб газеталарда улар келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади.

Олинган раддия ёки жавоб радиоэшиттириш ёки телевидение таҳририяти томонидан радиоэшиттириш ёхуд телекўрсатувнинг айти ўша дастури ёки туркумида, келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнини, агар уни эълон қилиш ҳажми ёки вақт нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказмаса, таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортса ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

28-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек, журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

29-модда. Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти

Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхонала-

ри ва вакиллари Ўзбекистон Республикасида фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганларидан кейин амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг ҳуқуқий мақоми ва касб фаолиятини амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30-м о д д а. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ТУҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1997 йил 26 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 11-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 180-модда);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги 1995 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) VIII бўлими.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997 йил 26 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 12-модда)

1-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ушбу Қонун табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ўрмонлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагилан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;

табий ўсимлик жамоаларининг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш;

ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

3-модда. Ўсимлик дунёсига нисбатан мулкдорлик

Ўсимлик дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир.

4-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида махсус ваколат берилган давлат бошқарув органларидир.

5-модда. Ўсимлик дунёси объектлари

Ўсимлик дунёси объектлари қуйидагилардан иборат: ёввойи организмлар — дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;

ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи; камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;

ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаётининг фаолиятининг маҳсуллари.

6-м о д д а. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектни, турни, ҳажми ва муайян ҳудуд доирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилди. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

7-м о д д а. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш;

чорва молларни ўтлатиш;

ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини тайёрлаш;

ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш);

ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш (йиғиш);

дарахт ва буталарни кесиш;

ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;

ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

Ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилши мумкин.

8-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш муддатлари

Ўсимлик дунёси объектлари доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга бериб қўйилиши мумкин.

9-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормативлари

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормативлари қуйидагилардан иборат:

доривор ва озиқбоп ўсимликларнинг ёввойи турларини ҳамда ўсимликлар техник хом ашёсини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишиб тасдиқлаган квоталар;

табiiй пичанзорлар ва яйловларда пичан ўриш ҳамда чорва молларни ўтлатишнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек ўрмон хўжалиги давлат органлари тақдимномаси бўйича тасдиқлаган нормалари ва муддатлари;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа нормативлар.

10-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўсимлик дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;

ўсимлик дунёси объектларининг белгиланган тартибда олинган маҳсулотини тасарруф этиш;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш борасидаги бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва ўзларига етказилган зарарнинг қопланиши.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар:
• ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг белгиланган қондаларига риоя этишлари;
фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланишлари;
ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни такрор етиштириш чора-тадбирларини амалга оширишлари;
ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнгин хавфсизлигига риоя этишлари ва ёнгинга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнгин чиққан ҳолларда эса уни ўчириш чораларини кўришлари;
ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашлари шарт.
Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қону ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

11-модда. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ман этиш

Ўсимлик дунёси объектларини сақлаб қолиш ва уларни такрор етиштириш ҳамда улар ўсадиган муҳитни сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши, тўхтатиб турилиши ёки ман этилиши мумкин.

Қўриқхоналар, қўриқланидиган тегралар ва табиат ёдгорликларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини тайёрлаш (йиғиш) ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик турларидан фойдаланиш, улар билан (уларнинг қисмлари ёки фаолият маҳсуллари билан) савдо қилиш, уларни чет элга олиб чиқишга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси бўйича берилган рухсатномалар асосида йўл қўйилади.

12-м о д д а. Чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш ана шу мақсадлар учун уларга махсус бериб қўйилган табиий ем-хашак етиштириладиган майдонларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўрмон фонди ҳудудида — ўрмон билетлари бўйича; қишлоқ хўжалиги- корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигидаги ерлар ҳудудида — уларнинг рухсатномалари бўйича;

заҳирадаги ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида.

13-м о д д а. Ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиши уларга ўсимлик дунёси объектларини олиб қўймаган ҳолда берилган овчилик ерларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-м о д д а. Ёввойи ўсимликлар доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш)

Табиий ўсимликлар жамоаларида ёввойи ўсимликлар доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайёрлашга (йиғишга) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

15-м о д д а. Дарахт ва буталарни кесиш

Ўрмон фонди ерларида дарахт ва буталарни кесиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга фақат санитария мақсадларида ҳамда бинолар,

ишшоолар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ ҳолдагина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган қарорига биноан йўл қўйилади.

16-модда. Ҳисмлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш

Ёввойи ҳисмликларни, уларнинг қисмларини ва маҳсулларини ҳисш муҳитидан ажратиб олмасдан ва ажратиб олган ҳолда ҳисмлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Табиий ҳисмликлар жамоаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус участкалар ажратилиши мумкин бўлиб, бу участкаларда ҳисмлик дунёси объектларидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадларига номувофиқ бўлса, бундай фойдаланиш чекланади ёки ман этилади.

17-модда. Ҳисмлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш

Ҳисмлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шифобахш хусусиятларга эга бўлган ва аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароит яратадиган ҳисмлик дунёси объектларидан соғломлаштириш ва рекреацион мақсадларда фойдаланилади.

18-модда. Ҳисмлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш

Ҳисмлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-модда. Ҳисомлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш

Ҳисомлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

Ҳисомлик дунёси объектидан фойдаланиш ҳуқуқидан воқеачиликда;

Белгиланган фойдаланиш муддати тугаганда;

Ҳисомлик дунёси объектидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган юридик шахс тугатилганда;

Ҳисомлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қондалари, нормативлари ва бошқа талаблари бузилганда;

Ҳисомлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун ҳақ белгиланган ҳолатда тўланмаганда;

Фойдаланиш тизимда табиий ҳисомликлар жамоаларида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар ҳақи тўлганда;

ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтисоли учун олиб қўйилганда.

Ҳисомлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

20-модда. Айрим турдаги ёввойи ҳисомликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш

Айрим турдаги ёввойи ҳисомликларнинг (шудгорлар, пичанзорлар ва яйловларни табиий суратда босиб кетадиган заҳарли, гиёҳванд моддалар, карантиндаги ҳисомликлар, бегона ўтлар ҳамда бошқа ҳисомликларнинг) тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш бошқа ҳисомликларга ва ўзга табиат объектларига зарар етказилишига йўл қўймайдиган ҳамда табиий ҳисомликлар жамоаларининг ва улар ўсадиган муҳитнинг сақланишини таъминлайдиган усуллар билан амалга оширилади.

Тарқалиши ва миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ёввойи ҳисомликларнинг турлари, шунингдек, ана шу тартибга солини қондаги махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳулосалари асосида белгиланади.

21-модда. Ёввойи ўсимликларни бошқа жойга кўчириш ва дурагайлаш

Ўсимликларнинг янги турларини ёввойи флорага кўчириш, шунингдек, ёввойи ўсимликларни дурагайлашга махсус ваколат берилган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва ўсимликлар қарантин бўйича давлат хизмати органларининг хулосалари асосида чиқарган қарорга биноан илмий-тадқиқот ва хўжалик мақсадларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

22-модда. Ботаника коллекциялари тўплаш

Илмий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий ёки эстетик қимматга эга бўлган ботаника коллекциялари давлат ҳисобидан ўтказилиши лозим.

Ботаника коллекцияларини тўплаш ва уларни тўлдириб бориш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ёввойи ўсимликларни олишга қонуни ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда йўл қўйилади.

Ботаника коллекцияларининг эгалари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

23-модда. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

• ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормативларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар турларини муҳофаза қилишнинг алоҳида режими белгилаш;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;

Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо қилиш;

Ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

давлат экологик экспертизаси ўтказиш;

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

24-м о д д а. Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш

Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитга таъсир кўрсатадиган фаоллият ўсимлик дунёси объектларининг сақланишини таъминлайдиган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, янги технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ишларини ўтказиш, фойдали қазilmаларни қазиб олиш, черва моллар ўтлатиладиган ҳамда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ҳайдаб ўтиладиган жойларни эниқлаш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси билан келишиб олиниши шарт.

Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминланмаган ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда технологияларни қўлланиш ман этилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уларнинг ўсишини тезлаштирувчилар, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни қўлланиш пайтида ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниши зарур. Юридик ва жисмоний шахслар ёввойи ўсимликлар нобуд бўлишининг ва улар ўсадиган муҳит ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида мазкур дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Табий ўсимликлар жамоаларида ўсимликларни ўзбошимчалик билан ёқиб юбориш ман этилади.

25-модда. Ўсимлик дунёси объектларининг мониторинги

Ўсимлик дунёси объектларини кузатиб бориш, уларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш атроф табиий муҳит давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Ўсимлик дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва давлат кадастри

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни таъминлаш ва унда оқилона фойдаланишни ташкил этиш учун ўсимлик дунёси объектлари ва улардан фойдаланишнинг давлат ҳисоби, ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри юритилади.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри ўсимлик дунёси объектларининг жўғрофий тарқалиши, уларнинг миқдори, хўжаликда фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотлар мажмуини, улар ўсадиган муҳитнинг тавсифини ўз ичига олади.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисоби ва давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ягона тизим бўйича юритилади.

27-модда. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**28-модда. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва
ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузганлик учун жавоб-
гарлик**

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«УСИМЛИК ДУНЕСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1997 йил 26 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси. 1998 йил, 1-сон, 13-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997 йил 26 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 14-модда)

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ушбу Қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси

ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш, уларнинг хилма-хил турларини ҳамда табиий галалари бутлигини ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, уни тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

3-м о д д а. Ҳайвонот дунёсига нисбатан мулкдорлик

Ҳайвонот дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

4-м о д д а. Ҳайвонот дунёси объектлари

Ҳайвонот дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар — сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;

ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тўдалари;

ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари;

ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.

5-м о д д а. Фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тadbирларини амалга оширадилар;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашадилар;

экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказадилар;

жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оладилар;

ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўядилар;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар.

6-м о д д а. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

7-м о д д а. Давлат экологик экспертизаси

Қуйндагилар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим:

барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, амалга оширилиши ҳайвонот оламининг ҳолатига ёки унинг яшаш муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган режадан олдинги, лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари;

ов қилинадиган ва балиқ овладиган майдонларни ташкил этиш лойиҳалари;

ҳайвонларни янги иқлимга мослаш ва дурагайлаш ишларининг лойиҳалари;

ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳити учун хавфли бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

Ҳайвонот дунёсини объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8-м о д д а. Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастри

Ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш учун ҳай-

вонларнинг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг ҳисобга олиниши амалга оширилади, ҳайвон турларининг жўғрофий тарқалиши, уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар мажмуини, улар яшайдиган муҳитнинг тавсифини, ҳайвонлардан фойдаланиш тавсифини ва бошқа зарур маълумотларни ўз ичига олган давлат кадастри юритилади.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ҳар йили ўзлари фойдаланаётган ҳайвонот дунёси объектларини ҳамда уларни муомаладан чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиб боришлари ва олинган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва давлат статистика органларига тақдим этишлари шарт.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9-м о д д а. Ҳайвонот дунёси мониторинги

Ҳайвонот дунёси объектларини ва уларнинг яшаш муҳитини кузатиб бориш, уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш атроф табиий муҳит давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-м о д д а. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11-модда. Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофазати муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талаблар

Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

ҳайвонларнинг тур бўйича хилма-хиллигини ва улар галаларининг бутлигини табиий эркинлик ҳолатида сақлаб қолиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳитини, урчиш шарт-шароитларини ва кўчиб юриш йўлларини сақлаб қолиш;

ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такрор етиштириш;

аҳоли соғлигини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш.

12-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид дастурлар ҳамда тадбирларни келишиб олиш

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ишлаб чиқарган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид дастурлар ҳамда тадбирларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишиб олинади.

13-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, шу жумладан ушн такрор етиштиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини, шунингдек унинг яшаш муҳити муҳофаза қилинишини ва унинг ҳолати яхшиланишини таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқ соҳасида ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилади.

II. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДАН ФОЙДАЛАНИШ. ФОЙДАЛАНИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

14-модда. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин.

Фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш борасида ўзларига тегишли ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширадilar.

15-модда. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда бепул амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.

16-модда. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

ҳайвонот дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;

тутиб олинган ҳайвонот дунёси объектларига ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқига эгадирлар.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахслар:

юридик шахсларга ҳайвонот дунёси объектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар беришга;

юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси объектларидан ов қилиш мақсадида белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши учун улар билан шартномалар тузишга;

ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқаришга; ҳайвонот дунёси объектларидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сотишга;

сунъий равишда етиштирилиб, табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилган ҳайвон турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва муддатларига риоя этишлари;

ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари;

ҳайвонот дунёсидан табиий галаларининг бутлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга бериб қўйилмаган ҳайвонларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган усуллар билан фойдаланишлари;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити бузилишига йўл қўймасликлари;

ҳайвонлар миқдорини ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олишлари;

ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари шарт.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

17-м о д д а. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари ва усуллари

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

ов қилиш;

балиқ овлаш;

ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;

ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилгани мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олиб ёки ажратиб олмасдан амалга оширилиши мумкин.

18 модда. Ов қилиш

Табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлиб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилиш деб ҳисобланади.

Ов саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин.

19-модда. Балиқ овлаш

Балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини тутиш балиқ овлаш деб ҳисобланади.

Балиқ овлаш саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин.

20-модда. Ов қилиш ва балиқ овлашнинг ман қилинган усуллари

Ов қилиш ва балиқ овлашда умумхавfli қуроллар ва усулларни қўллаш ман этилади.

Фалокатга учраган ва ўзи учун нотабиий шароитда турган ҳайвонларни ов қилиш ман этилади.

21-модда. Ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш

Ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олиб ва ажратиб олмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

22-модда. Ҳайвонларнинг хусусиятларидан фойдаланиш

Ҳайвонларнинг фойдали хусусиятларидан — тупроқ ҳосил қилувчилардан, муҳитнинг табиий санитарларидан, ўсимликларни чанглатувчилардан, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларининг бошқа хусусиятларидан фойдаланиш уларни яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларга ёки улар яшайдиган муҳитга зарар етказмасдан амалга оширилади.

23-м о д д а. Ҳайвонлардан уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш

Ҳайвонлардан уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларни нобуд қилмасдан, шунингдек улар яшайдиган муҳитни бузмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

24-м о д д а. Ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш

Ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш квоталар асосида амалга оширилади. Квоталар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳисобга олиш маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайвонларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ана шу турдаги ҳайвонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига чеклашлар ёхуд тақиқлашлар белгиланиши мумкин.

Аҳоли соғлигини сақлаш, қишлоқ хўжалик моллари ва бошқа уй ҳайвонлари касалликларга чалинишининг олдини олиш, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш, ҳайвонот дунёсининг турлари бўйича хилма-хиллигини сақлаб туриш мақсадида ёввойи ҳайвонлар айрим турларининг миқдорини тартибга солиш тадбирлари ўтказилади.

Айрим турдаги ҳайвонлар миқдорини тартибга солиш тадбирлари ҳайвонларнинг бошқа турларига зарар етказилишини истисно этадиган ва уларнинг яшаш муҳити сақланиб қолишини таъминлайдиган усуллар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаларини ҳисобга олиб ҳамда ер, сув ва ўрмон заҳираларини муҳофаза қилишни амалга оширадиган тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ҳайвон

турлари ва уларнинг миқдорини тартибга солиш тадбирларини ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

25-модда. Ов қилиш ва балиқ овлаш ҳужжалигини юритиш

Ов қилиш ва балиқ овлаш ҳужжалигини юритиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан:

ов қилинадиган ва балиқ овланадиган ер-сув майдонлари лойиҳаларининг давлат экология экспертизаси; ҳайвонлар миқдорини ҳамда ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонлар ҳолатини ҳисобга олиш материаллари;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган квоталар ва рухсатномалар, ҳайвонот дунёси объекларини ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, уларни такрор етиштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Ов тўғрисидаги ҳамда ов қилиш ва балиқ овлаш ҳужжалиklarини юритиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

26-модда. Ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш, иқлимга мослаш ва чатиштириш

Ёввойи ҳайвонларни янги яшаш жойларига кўчиришга, фауна учун янги бўлган ёввойи ҳайвон турларини иқлимга мослашга, шунингдек ёввойи ҳайвонларни чатиштириш тадбирларини ўтказишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг рухсатномаси бўйича илмий-тадқиқот ва ҳужалик мақсадларида йўл қўйилади.

Ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимга мослаш ва чатиштириш ман этилади.

27-модда. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олиш зарурати тугилганда;

фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун бошқа асослар ҳам назарда тутилгани мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш йўли билан тугатилади.

28-м о д д а. Зоология коллекциялари яратиш ва уларни тўлдириб бориш

Юридик шахслар томонидан зоология коллекциялари яратиш ва уларни тўлдириб бориш мақсадида ҳайвонларни улар яшайдиган муҳитдан ажратиб олиш йўли билан ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Зоология коллекцияларини яратиш, уларни тўлдириб бориш, асраш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тартиби, зоология коллекциялари билан савдо қилиш қоидалари, шунингдек зоология коллекциялари объектларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига жўнатиш ва олиб чиқиш қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

29-м о д д а. Зоология коллекцияларининг давлат ҳисобини олиб бориш

Илмий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий ёки эстетик қимматга эга бўлган зоология коллекцияларининг давлат ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида олиб борилиши лозим.

Бундай коллекцияларнинг эгалари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси объектлари коллекцияларини асраш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига рўя этишлари шарт.

III. ҲАЙВОНОТ ДУНЭСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

30-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш:

ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор егиштириш қондалари ва нормаларини белгилаш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;

ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибни бошқача бузишларнинг олдини олиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиши шарт-шароитлари ва кўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида ҳайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутқунликда урчитиш;

ҳайвонлар касалликка чалинганда, уларнинг табиий офатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи туғилганда уларга ёрдам бериш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий-тадқиқотларни ташкил этиш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

31-модда. Ҳайвонот дунёсининг ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятга қўйиладиган талаблар

Ҳайвонот дунёсининг ҳолатига, яшаш муҳитига, ҳайвонларнинг урчиш шарт-шароитлари ва кўчиб юриш йўлларига таъсир кўрсатадиган фаолият ҳайвонот дунёси муҳофаза қилинишини таъминлайдиган талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

32-модда. Табиат объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб ердан, ўрмонлардан, сувдан ва ер остидан фой-

даланувчиларнинг ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши ҳамда уларнинг зиммасига тегишли мажбуриятлар юкланиши мумкин.

33-модда. Ҳўжалиқ фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалинишининг ва нобуд бўлишининг олдини олиш

Юридик ва жисмоний шахслар ҳар қандай турдаги ҳўжалиқ фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш чораларини кўришлари шарт.

Давлат ветеринария хизмати органи ва давлат санитария-эпидемиология хизмати органи ҳайвонот дунёси объектларининг касалликлари пайдо бўлиши ва тарқалиши ўстидан текширув ва назоратни амалга оширадилар, ҳайвонот дунёси объектлари касалликка чалинишининг барча аниқланган ҳолларини рўйхатга оладилар ва касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

Ўсимликларни ёқиш, ҳайвонот дунёси объектлари ва улар яшайдиган муҳит учун хавfli бўлган материаллар, хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини ёввойи ҳайвонлар касалликларга чалиниши ва нобуд бўлишининг олди олинишичи кафолатлайдиган чора-тадбирларни амалга оширмасдан сақлаш ва қўллаш ман этилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини уларнинг ўсишини тезлаштириш омилларини, минерал ўғитларини ва ҳўжалиқ фаолиятида фойдаланиладиган бошқа препаратларни қўлланиш пайтида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳайвонот дунёсини ва ҳайвонларининг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниши зарур. Айрим ҳудудларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда санитария теғралари белгилашиб, уларда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштириш омилларини, минерал ўғитларини ва бошқа препаратларни қўлланиш тақиқланади.

34-модда. Худудни хўжалик мақсадларида ўзлаштириш пайтида ҳайвонларнинг яшаш муҳитини ва уларнинг урчиш шароитларини сақлаш тадбирлари

Аҳоли пунктлари, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш; лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, мавжуд технология жараёнларини такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш, ботқоқлашган ва бутазор худудларни хўжалик оборотига киритиш, ерларни мелиорациялаш, ўрмондан фойдаланиш, геология-қидирув ишларини ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қишлоқ хўжалик молларини ўтлатиш ва ҳайдаб ўтиш жойларини аниқлаш, сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва аҳоли оммавий дам оладиган жойларни ташкил этиш пайтида ҳайвонларнинг яшаш муҳитини ҳамда уларнинг урчиш шароитларини сақлаб қолиш тадбирлари назарда тутилиши ва амалга оширилиши, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида алоҳида қимматга эга бўлган участкаларнинг дахлсизлиги таъминланиши лозим.

35-модда. Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўллари, яшаш ва урчиш жойларини сақлаб қолиш

Транспорт магистралларини, электр узатиш ва алоқа линияларини, шунингдек гидротехника иншоотларини жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуриш пайтида ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўллари, яшаш ва урчиш жойлари сақлаб қолинишини таъминлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

36-модда. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонот дунёси турлари Қизил китобга киритилади.

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларининг нобуд бўлиши, миқдори камайиб кетиши ёки уларнинг яшаш муҳити бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

37-модда. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш чора-тадбирлари

Табий шароитларда такрор етиштириш имконияти бўлмаган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ана шу турдаги ҳайвонларни урчитиш учун зарур шарт-шароит яратиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

38-модда. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутиш тартиби

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни махсус яратилган шароитда урчитиш ва кейинчалик тарқатиш, шунингдек илмий-тадқиқот мақсадлари ва бошқа мақсадлар учун тутишга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосида йўл қўйилади.

IV. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

39-модда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш туфайли етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

40-модда. Қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонот дунёси объектларини, улардан олинган маҳсулотни, ҳайвонларни қонунга хилоф равишда тутиш қуроли ва воситаларини олиб қўйиш

Қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот, қонунга хилоф равишда тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим.

Қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонларни ва улардан олинган маҳсулотни айбдор шахслардан олиб қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тutilган миқдорлар ва тартибда ундирилади.

41-модда. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масалаларига доир низоларни ҳал этиш

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масалаларига доир юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ.

**«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1997 йил 26 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил. 1-сон, 15-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идораларнинг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1981 йил 29 майда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 16, 316-модда);

1981 йил 29 майда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 16, 317-модда);

1994 йил 6 майда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинганлиги муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг II бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 158-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1997 йил 26 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонун ҳуж-
жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 феврал-
да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамо-
ат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон
Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991
йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбе-
кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-
си, 1997 йил, № 4—5, 126-модда):

1) 17-моддасининг номи ва матнидаги «хўжалик фа-
олияти», «хўжалик фаолиятдан» деган сўзлар «бош-
қа тадбиркорлик фаолияти», «бошқа тадбиркорлик фа-
олиятдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 18-моддаси биринчи қисмининг биринчи жумласи-
даги «мол-мулкка эгаллик» деган сўзлар «мол-мулкка,
шунингдек интеллектуал мулк объектларига эгаллик» де-
ган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябр-
да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти сайлови тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1,
34-модда):

1) 1-моддасининг матни қўйидаги таҳрирда баён
этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўз-
бекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва
тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бе-
риш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади»;

2) 2-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар»;

3) 4-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади»;

4) 5-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камидан ун беш кун олдин маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотдан ариза олганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради.

- Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш; овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

башарти сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бироқ-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганлик-

ларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиниш»;

5) **6-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг молиявий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади»;

6) **8-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади»;

7) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Сайлов округларининг чегаралари» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «10 кун» деган сўзлар «15 кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **10-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инobatга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлаб чиқарган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига кирди. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади»;

9) 11-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга кечи билан беш кун қолганда тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камда 20 нафар ва кўли билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади»;

10) 12-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини

ташқил этиш ва уни ўтказиш қўйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари;

11) 13-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга мувофиқ тузилади»;

12) 14-моддасида:

модданинг номидаги «Президенти сайловини ўтказувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташқил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради»;

8-банддаги «сайловолди йиғилишлари ҳамда сайлов комиссиялари мажлислари баёнларининг» деган сўзлар «сайлов комиссиялари баёнларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллариининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди»;

13) 15-моддасининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Округ сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан йигирма кундан кечикмай раис, раис ўринбосари, котиб ва камида 6—8 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади»;

14) 16-моддасининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) сайлов участкалари тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхати эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради»;

15) 17-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Участка сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин округ сайлов комиссияси томонидан эллик кундан кечикмай 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тuzилади. Башарти комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тuzилса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сонини зарур ҳолларда қўнайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги участка сайлов комиссияси раисининг вазифасини ваколатхоҳа раҳбарлари амалга оширади»;

16) 19-моддасида:

модда қуйидаги мазмундаги бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқига комиссияни тuzган орган эга бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифасини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин»;

бешинчи қисм ўнинчи қисм деб ҳисоблансин;

17) 22-моддасида:

иккинчи қисмдаги «Халқ депутатлари Советлари» де-

ган сўзлар «Туман ва шаҳар ҳокимликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисм «Санаторий ва дам олиш уйларида» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) 23-моддасида:

биринчи қисм «санаторий ва дам олиш уйларида» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар билан тўлдирилсин, **қисмдаги «ўн кун»** деган сўзлар «ўн беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмдаги «ноҳия (шаҳар) халқ судига», «ноҳия (шаҳар) халқ суди», «ноҳия (шаҳар) халқ судининг» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 24-моддаси қуйидаги мазмундаги 24, 24¹ ва 24²-моддалари билан алмаштирилсин:

«24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина у Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

24¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда қатнашиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган хужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партия вакилига саваси қайд этилган маълумотнома ва белгиланган намунадаги имзо варақалари бланкаларини беради.

24²-м о д д а. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайлов қуни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир, ҳокимият вакиллик органи эса-Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, унинг у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар, кўрсатишга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партиянинг, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

номзод кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машгулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси.

Сиёсий партия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини ҳам тақдим этади. Имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг камида бир фоиз имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидирлар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилени, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилени, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссия тақдим этилган ҳужжат-жатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан у кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади»;

20) 25 ва 26-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу Қонуннинг 24²-моддасида белгилаб қўйилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йилини, партиёга мансублигини, эгаллаб турган давозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган органнинг номини кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни эълон қилади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

ўзларига нисбатан жиний иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

дўний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

26-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга қадар истаган вақтида бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан Марказий сайлов комиссияси маҳрум этади. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам номзодлик мақомидан маҳрум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади»;

21) 27-моддасининг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги қисмлар билан алмаштирилсин:

«Сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганда Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганда олади. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг миқдорини тегишли округ ва участка

сайлов комиссияларининг раиси ёки раисе ўрнинbosари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонини ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

22) IV бобининг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV боб. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ»;

23) 28-моддаси қуйидаги маъмулдаги 28 ва 28¹-моддалари билан адмаштирилсин:

«28-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, кор...

муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

28¹-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудини доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди»;

24) 29-моддасида:

Биринчи қисмдаги «Президент сайловини ўтказувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

25) 30-моддасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин»;

26) 32-моддасининг биринчи қисми «сайлов комиссиясининг аъзоларидан» деган сўзлардан кейин «кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

27) 35-моддасида:

биринчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин, қисм «мажлисининг баёнлари» деган сўзлардан кейин «ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларининг баёнлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

28) 36-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади».

29) 38-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига киришиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз лавозимига киришгунга қадар бажаради».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда):

1) кириш қисмидаги, 1-моддасидаги, 4-моддасининг 1-бандидаги, 5-моддасининг биринчи қисмидаги, 7-моддаси 1-бандининг учинчи қисмидаги, шунингдек 2-бандининг биринчи қисмидаги ва 3-бандидаги, 5-бандининг иккинчи қисмидаги, 8-моддаси 2-бандининг биринчи ва тўртинчи қисмидаги, 3-бандининг биринчи қисмидаги, 9-моддасининг 1 ва 2-бандларидаги, 10-моддасидаги, 13 ва 14-моддаларининг номи ҳамда 1 ва 2-бандларидаги, 15-моддасининг 1 ва 2-бандларидаги, 17 ва 18-моддаларининг 1-бандидаги, 20-моддасидаги «давлат мулки», «давлат мулкини» деган сўзлар тегишли келишиқдаги

«оммавий мулк» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 5-моддасининг иккинчи қисми «хусусийлаштирилган корхоналарнинг» деган сўзлардан сўнг «(очиқ акциядорлик жамиятлари бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 7-моддаси 1-бандининг биринчи қисмидаги, 2-бандининг иккинчи қисми иккинчи хатбошисидаги, 14-моддасининг 3-бандидаги «давлат» деган сўз «республика» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 7-моддаси 1-бандининг иккинчи қисмидаги, 2-бандининг иккинчи қисми иккинчи хатбошисидаги, 14-моддасининг 3-бандидаги «коммунал» деган сўз «муниципал» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 7-моддаси 1-бандининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг оммавий мулкни республика мулкига ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (муниципал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан амалга оширади».

6) 7-моддасининг 4-бандидаги ҳамда 8-моддаси 2-бандининг тўртинчи қисмидаги «очиқ типдаги акциядорлик жамиятига» деган сўзлар «очиқ акциядорлик жамиятига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 11-моддасининг 2-бандидаги «жамоа эгаллигига сотиб олиниши чоғида» деган сўзлар «хусусий мулк қилиб сотиб олинаётганида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда) 5-моддасидаги, 7-моддасининг иккинчи қисмидаги ва 12-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги», «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 394-модда;

1993 йил, № 1, 19-модда, № 9, 329-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда):

1) **4-моддасидаги** «хўжалик уюшмалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **7-моддасидаги** «(очиқ ёки ёпиқ хилдаги)» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «бошқа шаклдаги уюшмалар тарзида» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-моддасининг номидаги** «хўжалик» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **14-моддаси 1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «жамоа эгаллиги ҳуқуқида» деган сўзлар «хусусий мулк тарзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 217-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда):

1) **3-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ғайриҳуқуқий манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди. Уйинларда, лотереяларда иштирок этишдан ҳамда гаров уйнашдан кўриладиган зарарларни суғурталашга, шунингдек гаровга олинган одамларни қутқариш мақсадида шахс мажбуран тўлаши мумкин бўлган пулни суғурталашга йўл қўйилмайди»;

2) **4-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-модда. Мажбурий суғурта ҳамда давлат мажбурий суғуртаси

1. Мажбурий суғурта ҳамда давлат мажбурий суғуртаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Давлат мажбурий суғуртаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Мажбурий суғурта ҳамда давлат мажбурий суғуртасининг шартлари, суғурта тарифлари ҳамда уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4. Мажбурий суғуртани ўтказиш ҳуқуқига тегишли суғурта турини амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳар қандай суғурта ташкилоти эга бўлиши мумкин.

Давлат мажбурий суғуртаси давлат суғурта ташки-

лотлари ёки давлатга қарашли бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Суғурта ташкилотлари мажбурий суғурталаниши ҳамда давлат томонидан мажбурий суғурталаниши керак бўлган объектлар сақланишини назорат қилишига ҳақлидир»;

3) 6-моддасида:

2-банддаги «(суғурта қилдирилганлик ҳақидаги ҳужжат эгалари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4-банд чиқариб ташлансин;

5 ва 6-бандлар тегишинча қуйидаги мазмундаги 4 ва 5-бандлар билан алмаштирилсин:

«4. Суғурта қилдирувчилар учинчи шахслар фойдасига суғурта шартномалари тузишга ҳақлидирлар.

5. Тижорат ташкилоти бўлган ҳамда тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси бор юридик шахслар, агар қонунларда бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса суғурталовчи сифатида суғурта шартномасини тузиши мумкин»;

4) 9-моддасининг 1, 2 ва 5-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Суғурта суммаси — муайян сумма бўлиб, ана шу миқдорда суғурталовчи мол-мулк суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади ёки у шахсий суғурта шартномаси бўйича суммани тўлаш мажбуриятини олади.

2. Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда суғурта суммаси, агар суғурта шартномасида бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, суғурталанаётган объектнинг суғурта қийматидан (суғурта баҳосидан) ортиқ бўлмаслиги керак»;

«5. Суғурта ташкилотлари тўлайдиган суғурта товон суммаларига солиқ солинмайди»;

5) 11-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«11-м о д д а. Қайта суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш, қўшалок суғурта ва икки томонлама суғурта

1. Қайта суғурта қилиш — суғурталовчининг суғурта товон пулини ёки суғурта суммасини тўлаш хавфини бутунлай ёки қисман бошқа суғурта ташкилотига (ташкilotларига) улар ўртасида тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича топширишдир.

Ўзбекистон Республикасининг суғурта ташкилотлари чет элда ўз таваккалчилликларини қайта суғурта қилиш учун чет эл суғурта ва брокерлик ташкилотларининг хизматларидан бевосита фойдаланишлари мумкин.

Қайта суғурта қилишда суғурта товон пулини ёки суғурта суммасини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

2. Биргаликда суғурта қилиш деб битта суғурталанаётган объект бўйича икки ёки ундан ортиқ суғурталовчининг битта суғурта шартномасини тузишига айтилади.

Суғурталовчиларнинг ҳар бири суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида, агар шартномада бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, солидар жавобгар бўлади.

3. Қўшалок суғурта деб умумий суғурта суммаси суғурталанаётган объектнинг суғурта қийматидан (баҳосидан) ошиб кетганда, айнан бир суғурталанаётган объектни икки ёки ундан ортиқ суғурталовчида суғурталашга айтилади.

Мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи қўшалок суғурта қилинганда суғурта товон пулининг умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас, қўшалок шахсий суғурта қилиш ҳоллари бундан мустасно.

4. Икки томонлама суғурта — суғурта ҳимоясининг шундай шаклларида бирики, унда суғурта қилдирувчилар (фуқаролар ва юридик шахслар) зарур маблағларни киритиш йўли билан икки томонлама суғурта қилиш жамиятларига бирлашадилар.

Икки томонлама суғурта қилиш жамияти ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкий манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади»;

6) 12-моддасининг 1-бандидаги «суғурта ҳодисаси (воқеаси)» деган сўзлар «воқеа (суғурта ҳодисаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 13-моддасининг 2 ва 3-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Суғурталовчининг суғурта шартномаси бўйича суғурта товон пулини ёки суғурта суммасини тўлаш мажбурияти, агар шартномада бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи бадали тўланган пайдан бошлаб кучга киради.

3. Суғурта шартномаси тузилганлиги факти суғурта қилдирувчига суғурта полиси (квитанцияси, сертификати, шаҳодатномаси) бериш орқали тасдиқланади»;

8) 14-моддасида:

1-банднинг «в» кичик бандидаги «шарт» сўзи чиқариб ташлансин ва шу банд қуйидаги мазмундаги «г» кичик банди билан тўлдирилсин:

«г) суғурталовчини суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда хабардор қилиши шарт. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товон пулини олиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса, юқоридаги мажбурият унинг зиммасида ҳам бўлади»;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Суғурталовчи қоплаши лозим бўлган зарарни камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлиб чиқса ҳам, суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай харажатлар бошқа зарарларни қоплаш харажатлари билан биргаликда суғурта пулидан ошиб кетиши мумкинлигидан қатъи назар, суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда қопланади»;

9) 15-моддасининг «в» банди «суғурта, шартномасида» деган сўزلардан кейин «ва қонунларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) 16-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. **Наф олувчини, суғурталанган шахсни, суғурта қилдирувчини алмаштириш**

1. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини суғурталовчига ёзма равишда маълум қилган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришга ҳақлидир. Шахсий суғурта шартномасига биноан, суғурталанган шахс розилиги билан тайинланган наф олувчи суғурталанган шахс розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Наф олувчи суғурта шартномасидаги бирон-бир мажбуриятни бажарганидан ёхуд суғурталовчига суғурта товон пулини ёки суғурта суммасини тўлаш тўғрисидаги талабни тақдим этганидан кейин, у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

2. Келтирилган зарар учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган ҳолда, шартномада бошқа қоида назарда тутилмаганлиги сабабли суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар исталган пайтда бу шахсни бошқасига алмаштириб, суғурталовчига буни ёзма равишда маълум қилишга ҳақлидир.

3. Мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, суғурта қилдирган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтган бошқа ҳолларда суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқа қоида белгиланган бўлмаса, суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

4. Шахсий суғурта шартномасини суғурталанган шахс фойдасига тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартномада белгилаб қўйиладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар суғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади.

Агар суғурта шартномаси амал қилиб турган даврда суғурта қилдирувчи суд томонидан муомалала лаёқатсиз ёхуд муомала лаёқати чекланган деб топилса, бунда суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийси ёки ҳомийси олади.

5. Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғурта қилинган ҳолларда суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайтдан бошлаб тугайди.

6. Юридик шахс бўлган суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси даврида қайта ташкил этилган тақдирда унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурталовчининг розилиги билан тегишли ҳуқуқий ворисга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтади»;

11) 17-моддасининг 3-бандида:

иккинчи хатбошидаги биринчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартнома-

да бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, қайтариб берилмайди»;

учинчи хатбошидаги биринчи жумла «агар суғурта шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) 21-моддасининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Суғурта ташкилотлари фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлайдиган шартшароит яратишга ёки суғурта ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган огоҳлантириш йўсинидаги тадбирларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялашлари мумкин»;

13) 22-моддасининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Суғурталовчилар ўз тўлов қобилиятларини таъминлаш ва суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун Давлат суғурта назорати томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт»;

14) 28-моддасининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Барча суғурта ташкилотларининг, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги суғурта ташкилотларининг фаолияти Давлат суғурта назоратида албатта рўйхатга олиниши ва уларга рухсатнома берилиши шарт»;

15) 30-моддасидаги «Молия вазирлигининг монополияга қарши кураш ва нарх сиёсати бошқармаси» деган сўзлар «Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополияни йўқотиш ва рақобатни кучайтириш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

16) 32-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32-модда. Чет эл суғурта ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти

Чет эл суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги суғурта фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сифатида рўйхатдан ўтганларидан ва ушбу Қонунда белгиланган тартибда лицензия олганларидан кейингина амалга оширишга ҳақлидирлар.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари Ўзбекистон

Республикасида ўзларининг улушли ёки тўлиқ қатнашшиларига асосланган суғурта ташкилотларини тузишга ҳақлидир»;

17) қуйидаги мазмундаги 34-модда билан тўлдирилсин:

«34-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 244-модда):

1) 3-моддасининг 3-бандидаги «маҳсулот муомаласида» деган сўзлар «фуқаролик муомаласида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 4-моддасининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси — бу фуқаролик муомаласи қатнашчиларини, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, бир шахснинг маҳсулотлари ва хизматларини бошқа шахснинг шу турдаги маҳсулотлари ва хизматларидан (матнда бундан буён «маҳсулотлар» деб юритилади) фарқлаш учун хизмат қилади»;

3) 21-моддасида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Гувоҳномада кўрсатилган барча турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга ёки уларнинг айрим қисмига маҳсулот белгиси қўйишдан иборат ҳуқуқни эгаси шартнома асосида ўзга шахсга бериши мумкин»;

4-банддаги «маҳсулот белгисини ўзга шахсга топшириш» деган сўзлар «маҳсулот белгисига эгалик ҳуқуқини бериш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда):

1) 8-моддасининг иккинчи қисмидаги «худудни тузиш» деган сўзлар «худуддан фойдаланишни ташкил

этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-моддасининг иккинчи қисми «б» бандидаги «авария ҳолатларида» деган сўзлар «фавқулодда ҳолатларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 13-моддасида:

учинчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Халқаро ва шаҳарлараро телефон ва телеграф орқали алоқа боғлаш имконияти фавқулодда вазиятларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётганда ҳамда ёрдам кўрсатилаётганда биринчи галда берилади»;

4) 14-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишига йўл қўйган ёки ҳаво кемалари парвози хавфсизлигига хавф туғилишига олиб келган хатти-ҳаракатлар содир этган самовий ҳудуддан фойдаланувчилар, шунингдек авиация фаолияти билан боғлиқ бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар юқорида зикр этилган органларнинг талабига биноан кўрсатилган тартиббузарликни ёки тартиб бузилишига олиб келадиган фаолиятни ўз ҳисобларидан ва ўз кучлари билан тўхтатишлари лозим»;

5) 17-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17-модда. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият

Электр узатиш объектлари ва линияларини қуриш; самовий ҳудудда электромагнит, ёруғлик, акустик, корпускуляр ва бошқа турдаги нурланишлар пайдо бўлишига олиб келадиган ишлар; қушларнинг ва ёввойи ҳайвонларнинг (кемирувчиларнинг) қўлаб тупланишига ҳамда орнитологик вазиятнинг, парвоз пайтида қуришнинг ва аэродромлардаги учуш майдонлари ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлувчи объектларни жойлаштириш; ҳаво кемалари парвоз қилиш ва қўниш зоналарига баланд ўсадиган дарахтларнинг кўчатларини ўтқазуш; шунингдек самода моддий объектлар ҳаракати билан бевосита алоқаси бўлмаган, аммо ҳаво кемаларининг, бошқа учувчи аппаратларнинг парвозига, ас-

боб-ускуналари ва улардаги одамлар хавфсизлигига таъсир этувчи ҳар қандай бошқа фаолият аэродром ҳудудидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятлар жумласига киради»;

6) 23-моддасининг учинчи қисмидаги «ҳарбий» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) 24-моддаси биринчи қисмининг «в» бандидаги «мақсадларида фойдаланилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин ва қисм қўйидаги мазмундаги «г» банди билан тўлдирилсин:

«г) фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларга авария-қутқарув ишларини амалга ошириш учун кучлар ва асбоб-ускуналарни, шунингдек зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун юкларни етказиб бериш мақсадларида фойдаланилади»;

8) 25-моддасининг биринчи қисмидаги «давлат мулки ёки бошқа» деган сўзлар «оммавий» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) 26-моддасида:

биринчи ва иккинчи қисм қўйидаги мазмундаги қисмлар билан алмаштирилсин:

«Қуруқликдаги ёки сув сатҳидаги махсус жиҳозланган участка парвозлар хавфсизлигини таъминловчи ён-атроф ҳамда чекка зоналар ва шу зоналарда жойлашган, ҳаво кемаларининг учиши, қўниши, бурилиши, тўхтаб туриши ва уларга хизмат кўрсатилиши учун мўлжалланган зарур бино, иншоотлар ва анжомлар билан бирга аэродром деб эътироф этилади.

Аэродромлар ўзининг вазифасига қараб базавий, муваққат ва захирадаги аэродромларга бўлинади.

Аэродромлар авиация турига мансублигига кўра фуқаро авиацияси аэродромлари, давлат авиацияси аэродромлари, экспериментал авиация аэродромлари ҳамда ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромларига бўлинади»;

учинчи қисм тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

10) 30-моддасида:

биринчи қисмдаги «Аэродром эксплуатантга аэродром фойдаланишга яроқлилиги ҳақида сертификат берилади» деган сўзлар «Давлат, фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга мўлжалланган аэродромлар мажбурий суратда сертификатланиши шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аэродромларни ва уларнинг асбоб-ускуналарини сертификатлаш тартиби:

фуқаро аэродромлари, экспериментал авиация аэродромлари ва ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан;

давлат авиацияси аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади»;

11) 32-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32-модда. Ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродроми

Фуқаро авиацияси ёки экспериментал авиациянинг ҳаво кемалари жойлашиш ҳуқуқисиз парвозларни амалга оширадиган давлат авиацияси аэродроми ҳамкорликда фойдаланиш аэродроми деб эътироф этилади.

Турли идоралар тасарруфида бўлган ҳаво кемалари жойлашадиган фуқаро авиацияси, давлат авиацияси ёки экспериментал авиация аэродроми ҳамкорликда жойлашиш аэродроми деб эътироф этилади.

Аэродромлардан самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг турли тоифалари ҳамкорликда фойдаланиши (жойлашиши) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади»;

12) 44-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эксплуатант гувоҳномаси унинг амал қилиш муддати тугамагунча ёки у белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилмагунча ёки олиб қўйилмагунча ўз кучини сақлаб қолади. Гувоҳномани бошқа шахсга бериш мумкин эмас»;

13) 48-моддасининг биринчи қисмидаги «е» ва «ж» бандлари чиқариб ташлансин;

14) 49-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Фуқаро ва давлат авиацияси кадрларини тайёрловчи ўқув юртларини сертификатлаш тегишинча Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади»;

15) 51-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Экспериментал авиация ҳаво кемаси экипажининг таркиби тажриба-конструкторлик, экспериментал ёки илмий-тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларига боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти билан келишувга кўра ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси ва лойиҳаловчиси томонида белгиланади»;

16) 54-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди халқаро стандартларнинг талабларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган самовий ҳудудларга бўлинади»;

17) 55-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55-м о д д а. Ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш халқаро стандартларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этилади ва хизмат кўрсатиш амалга ошириладиган самовий ҳудуд таснифига боғлиқ бўлади»;

18) 57-моддасида:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги қисмлар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга метеорологик хизмат кўрсатади; давлат авиацияси учун метеорологик ахборот беради, халқаро аэронавигация манфаатларини қўзғаб метеорологик таъминлашни ташкил этади.

Фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга метеорологик хизмат кўрсатиш самовий ҳудуддан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси тасдиқлайдиган метеорологик таъминлаш қўлланмасига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат авиациясининг метеорологик ахборот билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ҳаво транспорти қатновини аэронавигация ахбороти билан таъминлаш тартиби фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияда Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади»;

учинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

19) 59-моддасидаги «Алоқа вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 66-моддасининг тўртинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Назорат қилинмайдиган самовий ҳудудда бўлган ҳаво кема-ларининг экипажлари бир-бирларига ахборот бериб туришлари, фавқулодда вазиятларда эса — ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувини ва фавқулодда вазиятлар бўйича энг яқин органларга авария каналлари орқали ахборот беришлари лозим»;

21) 81-моддасининг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 86-моддасининг учинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳалокат ёки бахтсиз ҳодиса давлат ва фуқаро авиацияси ёки давлат авиацияси ва экспериментал авиация манфаатларига дахлдор бўлган тақдирда текшириш Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа дахлдор вазирликлари ва идоралари вакилларидан ташкил топган қўшма комиссиялар томонидан амалга оширилади. Бундай комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади»;

23) 94-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисми қўйидаги мазмундаги қисмлар билан алмаштирилсин:

«Аэропортлар ва ҳаво транспортида ташувчилар томонидан бажариладиган йўловчилар, қўл юки ва юкни белгиланган манзилга етказишни бевосита амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва операциялар мажмуи ҳаво транспортида ташиш деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг жўнаш, қўниш манзили ва назарда тутилган барча оралиқ қўниш манзиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган парвози чоғида бажарилган ташиш ишлари ҳаво транспортида ички ташиш деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг парвоз давомида янги юк олган олмаганидан ёки парвозда танаффус бўлган-бўлмаганидан қатъи назар жўнаш ва қўниш манзиллари:

а) икки давлат ҳудудида:

б) агар бошқа давлат ҳудудида оралиқ қўниш манзили (манзиллари) назарда тутилган бўлса, бир давлат ҳудудида бажариладиган парвозлари чоғидаги ташиш ишлари ҳаво транспортида халқаро ташиш деб ҳисобланади.

Авиацияда юк ва йўловчи ташиш учун лицензияси бўлган ҳаво кемасининг эксплуатанти ташувчи деб эътироф этилади.

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташилиши лозим бўлган шахс йўловчи деб ҳисобланади.

Қўл юки — йўловчининг ташувчи билан шартномага мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган шахсий ашёлари.

Юк — ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташиш учун қабул қилинган (почта ва халқаро почта битимларининг шартларига кўра ташиладиган бошқа мол-мулк, ташувчининг қўл юки ёки мол-мулкдан ташқари) ҳар қандай мол-мулк, шунингдек юк хати бўйича ташиладиган қўл юки»;

Тўртинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

24) 95-моддасининг тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 101-моддасида:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чипта ва қўл юки паттаси, нормативдагидан ортиқча қўл юки ҳақини тўлаш паттаси, почта ёхуд юк хати йўловчини ва қўл юкини, почтани ва юкни ташиш шартномасини тасдиқловчи ташиш ҳужжатлари ҳисобланади»;

учинчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон почта ва телеком-

муникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 113-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Халқаро ташишларда ташувчининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ва тегишли чет давлат қатнашчи бўлган халқаро шартномалар билан белгиланади»;

27) 122-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўловчи, қўл юки, юк ёки почтани ташиш юзасидан ташувчига нисбатан даъво қўзғатишдан олдин унинг олдига талаб қўйилиши шарт, авиация ҳалокати натижасида йўловчининг ўлими ёки соғлиғига зарар етиши билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно»;

28) 123-модда биринчи қисмининг «е» банди «йўловчи» деган сўздан кейин «юкни олувчи, юкни жўнатувчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

IX. «Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 250-модда):

1) номидаги «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) матнидаги «мажбурий давлат суғуртаси», «давлат мажбурий суғуртаси», «мажбурий давлат суғуртасига», «давлат мажбурий суғуртасидан» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «мажбурий суғурта», «мажбурий суғуртаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

X. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда):

1) 6-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширадидлар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадидлар, сайловчиларнинг

рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, жалқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мапфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси мапфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қўтиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш; овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиянинг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нухаларини сўраш ва уларни олиш;

башарти сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш»;

2) 9-моддасининг иккинчи хатбошисидаги «Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 10-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади»;

4) 11-моддасининг 6-бандидаги «ва ҳокимият вакиллик органларининг» деган сўзлар «ҳокимият вакиллик органларининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 13-моддаси қуйидаги мазмундаги 4¹ ва 4²-бандлар билан тўлдирилсин:

«4¹) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади;

4²) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қабул қилинганлиги тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради»;

6) 16-моддасида:

Модда қуйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдирилсин:

«Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депу-

татлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади»;

биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисм тегишинча иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

7) 20-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, бевосита фуқаролар эгалдирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камидан олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камидан эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов тайинланганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади»;

8) 22-моддасида:

модданинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Олий Мажлис депутатлигига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан номзодлар кўрсатиш»;

бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисм чиқариб ташлансин;

9) қуйидаги мазмундаги 22¹ ва 22²-моддалар билан тўлдирилсин:

«22¹»-м о д д а. Олий Мажлис депутатлигига бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш

Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати, унда гуруҳ аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилади;

сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг қарори ва баёни, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги кўрсатилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёки рўйхатга олиш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли вакилга тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берил-

ганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдоридан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидирлар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўлаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида тегишли баёни Марказий сайлов комиссиясига топширади.

22²-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Сиёсий партиянинг, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан муурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида айтиб ўтилган шахслар учун, башарти улар Олий Мажлис депутати этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг, ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларига ва сайлов-

чилар ташаббускор гуруҳларининг вакилларига белги-
ланган тартибда маълум қилади»;

10) 23-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбо-
шиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қасддан содир этилган жинояти учун илгари суд-
ланган фуқаролар»;

11) 24-моддасининг биринчи қисмидаги «ва ҳокими-
ят вакиллик органларидан» деган сўзлар «ҳокимият
вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳ-
ларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 25-моддасида:

модда қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан
тўлдирилсин:

«Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли
шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ах-
борот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул
маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқ-
ланади»;

бешинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

13) 28-моддасида «(таксидан ва транспорт бошқа
турларининг буюртма йўналишларидан ташқари)» де-
ган сўзлар «(шаҳар йўловчилар транспортдан, такси-
дан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўна-
лишларидан ташқари)» деган сўзлар билан алмашти-
рилсин;

14) 29-моддасининг биринчи қисми «ҳокимият вакил-
лик органи» деган сўзлардан кейин «сайловчилар та-
шаббускор гуруҳи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) 34-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм
билан тўлдирилсин:

«Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюл-
летенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчи-
ларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан
ярим фоздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюл-
летенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сай-
лов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар
участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқ-
ланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов
бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олин-
майди»;

16) 36-моддасининг биринчи қисмидаги «соат 7 дан»
деган сўзлар «соат 6 дан» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин;

17) 39-моддасида:

биринчи қисмидаги «сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни» деган сўзлар «сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисм «Сайлов варақасининг шакли» деган сўзлардан кейин «сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) 42-моддасининг **биринчи қисмида** «Олий Мажлис депутатлигига сайлаш бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) 43-моддасининг **иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга писбаган кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади».

20) 44-моддасининг **учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

21) 45-моддасининг **биринчи қисмидаги** «депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) 50-моддаси «сиёсий партияларнинг вакиллари» деган сўзлардан кейин «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда):

1) 6-моддасининг **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ман-

зили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин беш кун ичида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

башарти сайлов участкаеида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қўйидагилар ман этилади:
сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан уларнинг кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш»;

2) 11-моддасининг 5-бандидаги «ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 13-моддаси қўйидаги мазмундаги 1¹ ва 1²-бандлар билан тўлдирилсин:

1¹) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади;

1²) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қабул қилинганлиги тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотинома беради»;

4) 16-моддасида:

модда қўйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тасдиқланади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади»;

биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисм тегишинча учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 20-моддасида:

биринчи қисм «шаҳар Кенгашлари» деган сўзлардан кейин «бевосита фуқаролар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бевосита фуқаролар эгадирлар»;

6) 22-моддасида:

модданинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш»;

ёттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисм чиқариб ташлансин;

7) қуйидаги мазмундаги 22¹ ва 22²-моддалар билан тўлдирилсин:

«22¹-модда. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш

Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида эллик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати, унда гуруҳ аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилади;

сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакилни тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг қарори ва баёни, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг ту-

ри), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёки рўйхатга олиш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли вакилга тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли.

Депутатлика номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фонзи миқдоридан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидирлар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилни, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилни, паспор-

тининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида баённи тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига топширади.

22²-м о д д а. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Сиёсий партия тегишли органининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия тегишли органининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқаролар йиғинининг (вакиллар йиғилишининг), сайловчилар ташаббускор гуруҳининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия тегишли органи мажлисининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сессиясининг, фуқаролар йиғининг (вакиллар йиғилишининг), сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов

округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида айтиб ўтилган шахслар учун, башарти улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида спёсий партиялар тегишли органларининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарларига ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг вакилларига белгилаш тартибда маълум қилади»;

8) 23-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар»;

9) 24-моддасининг биринчи қисми «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан» деган сўзлардан кейин «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) 25-моддасида:

модда қўйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади»;

олтинчи қисм еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

11) 27-моддасидаги «(таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари)» деган сўзлар «(шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўна-

лишларидан ташқари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 28-моддасининг биринчи қисми «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» деган сўзлардан кейин «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) 33-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди»;

14) 35-моддасининг биринчи қисмидаги «соат 7 дан» деган сўзлар «соат 6 дан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 38-моддасида:

биринчи қисмдаги «сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни» деган сўзлар «сайлов» комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисм «Сайлов варақасининг шакли» деган сўзлардан кейин «сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) 42-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади».

17) 43-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин;

18) 44-моддасининг биринчи қисмидаги «депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) 49-моддаси «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органларининг вакиллари» деган сўзлардан кейин «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ХII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 138-модда):

1) 3-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3-модда. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (муаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ворисларига) тегишли бўлади ҳамда патент, дастлабки патент (матнда бундан кейин патент, дастлабки патент деб юритилади) билан тасдиқланади.

Башарти бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки объектини яратган бўлса, патент ёки дастлабки патентга бўлган ҳуқуқ Патент идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга тегишли бўлади.

Саноат мулки объектининг муаллифи, башарти ўзининг объектига нисбатан ғайриҳуқуқий равишда ўзлаштириш натижасида талабнома топширилган ёхуд патент ёки дастлабки патент олинган бўлса, суд тартибида патент ёки дастлабки патент берилишига норозилик билдириш ёхуд патент ёки дастлабки патентга бўлган ҳуқуқ эгаси (матнда бундан кейин патент эгаси деб юритилади) сифатида патент ёки дастлабки патент ўзига берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Дастлабки патент дастлабки экспертиза ўтказилганидан сўнг, патент эса — объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини, ихтиронинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгаллик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, саноат намунасининг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг саноат намунасига эгаллик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти унинг янгилигини, фойдали моделнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патентнинг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофаза ёки бу муҳофазанинг бир қисми жиҳатидан ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган томон зиммасига юкланади ва суд тартибида амалга оширилади.

Дастлабки патент патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи патент ёки дастлабки патент ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда деб ҳисобланади.

Устуворлик (приоритет) санасидан ёки ушбу Қонун 18-моддасининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган бошқа санадан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Дастлабки патент устуворлик санасидан бошлаб ҳисобланганда беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегишлича беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектига дастлабки патент эгасининг илтимосномасига кўра объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг патент берилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти ва дастлабки патенти билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти ва дастлабки патенти билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса, буюмнинг (макетнинг, расмнинг) фотосуратларида ақс эттирилган муҳим аломатлари мажмуи ёки (ва) уларнинг комбинацияси (матнда бундан кейин муҳим аломатлар мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Давлат томонидан махфий деб топилган саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб бо-

рилади»;

2) 8-моддасининг учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муаллифлик ҳуқуқи бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади»;

3) 9-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9-м о д д а. Патент эгаси

Саноат мулкининг объектига патент ёки дастлабки патент қўйидагиларга берилади:

саноат мулки объектининг муаллифига (муаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Хизматчи ўз хизмат вазифасини ёки иш берувчидан олган аниқ бир топшириқни бажариш муносабати билан яратган саноат мулки объектига патент ёки дастлабки патент олиш ҳуқуқига, агар бу ҳол улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчи эга бўлади.

Башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасида ушбу модда иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент ёки дастлабки патентни ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи саноат мулкининг тегишли объектидан ўз корхонасида патент эгасига шартномада белгиланадиган ҳақни тўлаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи томонидан саноат мулки объекти махфий сақланадиган бўлса, у муаллифга мутаносиб миқдорда ҳақ тўлаши шарт, бу ҳақ миқдори шартнома асосида белгиланиб, мутлақ лицензиянинг бозор нархидан кам бўлмаслиги лозим.

Саноат мулки объектига патент ёки дастлабки патент, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади»;

4) 11-моддасининг иккинчи ва олтинчи қисмидаги «дастлабки патент ёхуд гувоҳномани», «дастлабки па-

тент ёки гувоҳнома» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-моддасининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошисидаги** «дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар» деган сўзлар «ёки дастлабки патентлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши

Патент ёки дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан ушбу Қонун 11 ва 31-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳилоф равишда фойдаланувчи ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасида фойдаланган ҳолда руҳсатсиз маҳсулот тайёрлаш, уни қўллаш, импорт қилиш, сотувга таклиф этиш, сотиш, фуқаро муомаласига ўзга тарзда киритиш ёки шу мақсадда уни сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан қўриқланадиган усулни қўллаш ёки ихтиро патенти билан қўриқланадиган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаро муомаласига киритиш ёхуд шу мақсадда сақлаб туриш патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузиш деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг ҳуқуқларига ҳилоф равишда фойдаланаётган шахслар патент эгаси талабига биноан:

патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузаётган ҳаракатларини тўхтатишлари;

патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари шарт. Зарар ўрнига патент эгаси ҳуқуқбузардан шу ҳаракати орқасидан олган даромадини ундириб олишга ҳақлидир»;

7) **V бобининг номидаги** «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **14-моддасининг номи ҳамда биринчи ва иккинчи қисмидаги** «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **16-моддасининг номи ҳамда матнидаги** «гувоҳнома» деган сўз «патент» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) 18-моддасининг учинчи, 19-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмидаги «патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома», «Патентлар, дастлабки патентлар ва гувоҳномалар» деган сўзлар тегишинча «патент ёки дастлабки патент», «Патентлар ва дастлабки патентлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 20-моддасининг тўртинчи қисмидаги «дастлабки патент ёки фойдали моделга гувоҳнома» деган сўзлар, «ёки фойдали моделга дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин, олтинчи ва еттинчи қисмидаги «ёки гувоҳнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) 23-моддасидаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 24-моддасида:

модданинг номидаги «дастлабки патент ва гувоҳнома» деган сўзлар «ва дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ёки гувоҳномалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) 25-моддасининг номи ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмидаги «дастлабки патент ва гувоҳнома», «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар тегишинча «ва дастлабки патент», «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 26-моддасидаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома», «дастлабки патент ёки гувоҳномани», «дастлабки патент ёки гувоҳноманинг» деган сўзлар тегишли келишикдаги «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) VI бобининг номидаги «дастлабки патент ёки гувоҳноманинг» деган сўзлар «ёки дастлабки патентнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 27-моддасида:

модданинг номидаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм биринчи хатбошисидаги «патент ёки гувоҳноманинг» деган сўзлар «патентнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «дастлабки патент ёки гувоҳномалар», «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар тегишинча «ёки дастлабки патентлар», «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмдаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 28-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28-модда. Патент ёки дастлабки патентнинг амал қилишини муддатидан илгари тўхта-тиш

Патент ёки дастлабки патентнинг амал қилиши: ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ патент ёки дастлабки патент амал қилмаётган деб топилса;

патент ёки дастлабки патент амалда сақлаб туриш учун тўланадиган бож ўз вақтида тўланмаса;

Патент идорасига патент эгаси томонидан берилган аризага асосан муддатидан илгари тўхтатилади.

Патент ёки дастлабки патентнинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади»;

19) 31-моддасида:

биринчи қисмдаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «оддий» деган сўз «мутлақ бўлмаган оддий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисм чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисм еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

20) 33-моддасидаги «дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар» деган сўзлар «ёки дастлабки патентлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 34-моддасининг биринчи қисмидаги «ва уни тўлаш тартиби» деган сўзлар «тўлаш шартлари ва тартиби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 36-моддасининг биринчи қисмидаги «ўзининг номини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) 37-моддасининг биринчи хатбошисидаги «Ушбу Қонуннинг қўлланилиши» деган сўзлар «Саноат мулки объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 38-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «патент ва гувоҳномаларнинг» деган сўзлар «ва патентларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин»

25) 41-моддасининг учинчи қисмидаги «дастлабки патент ёки гувоҳнома» деган сўзлар «ёки дастлабки патент» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда):

1) 128-моддасида:

учинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан учтасини содир этиш, худди шунингдек тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига олиб борган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизликлари ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этиш —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч барава-ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

модда қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпроғини содир этиш —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

2) 130-моддаси қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш барава-ригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача

муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) 131-моддасида:

биринчи қисм санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

иккинчи ва учинчи қисм тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

учинчи қисм санкциясидаги «беш баравари» деган сўзлар «етти баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 136-моддасида:

биринчи қисм санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисм **учинчи қисм** деб ҳисоблансин ва у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) 245-моддасидаги «129-модданинг иккинчи қисми, 131-модданинг биринчи ва учинчи қисмлари, 132, 133,

134, 137-моддалари» деган сўзлар «128-моддасининг тўртинчи қисми, 129-моддасининг иккинчи қисми, 130-моддасининг иккинчи қисми, 131-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмлари, 132, 133, 134-моддалари, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 137-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 248-моддаси иккинчи қисмининг:

5-бандидаги «128-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасида, 131-моддасининг иккинчи қисмида, 135, 136» деган сўзлар «128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 131-моддасининг учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «128-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасида» деган сўзлар «128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7) 263-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«263-модда. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг давлат инспекция органи»

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимининг давлат алоқа инспекцияси органларига ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 152, 153, 154, 156-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Давлат алоқа инспекциясининг бошлиғи, шунингдек Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органларининг давлат алоқа инспекциялари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар».

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 28 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-

да»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) **матнидаги** «очиқ турдаги акциядорлик жамияти» ва «ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти» деган сўзлар тегишинча «очиқ акциядорлик жамияти» ва «ёпиқ акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-м о д д а. Акциядорлик жамиятларининг шакллари

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим»;

3) **6-моддасининг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-м о д д а. Очиқ акциядорлик жамияти

Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади»;

4) **7-моддасининг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-м о д д а. Ёпиқ акциядорлик жамияти

Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади»;

5) **9-моддасида:**

модданинг номидаги ҳамда биринчи қисмдаги «жамиятлар» ва «жамиятларга» деган сўзлар тегишинча «хўжалик жамиятлари» ва «хўжалик жамиятларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмдаги «шуъба жамият», «шуъба жамиятнинг», «шуъба жамиятга» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шуъба хўжалиқ жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи қисмдаги «тобе жамият» ва «тобе жамиятлар» деган сўзлар тегишинча «тобе хўжалиқ жамияти» ва «тобе хўжалиқ жамиятлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 59-моддаси чиқариб ташлансин;

7) 94-моддасининг биринчи қисмидаги «кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан» деган сўзлар «қонун хўжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8) 101-моддасининг учинчи қисмидаги «ва тугатиш» деган сўзлар «ва рўйхатга олишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда):

1) 16-моддасида:

модда қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзи ишлаб чиқарган товарларни (бajarган ишларни, кўрсатган хизматларни) эркин конвертация қилинадиган валютада экспорт қилувчи корхоналар экспортни ички бозор нархларидан паст нархларда амалга оширсалар, улар учун солиқ солинадиган база экспорт маҳсулоти реализация қилинган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ушбу қоида савдо-воситачилиқ ташкилотларига, шунингдек тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан татбиқ этилмайди»;

иккинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 71-моддасининг биринчи қисми қўйидаги мазмундаги 37-банд билан тўлдирилсин:

«37) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни эркин конвертация қилинадиган валютада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилувчи корхоналар,

башарти ҳукуматлараро тузилган шартномаларда бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса. Ушбу йлтиёз савдо-воситачилик ташкилотларига, шунингдек тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан татбиқ этилмайди».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

НОВЫЕ ЗАКОНЫ УЗБЕКИСТАНА

*(Законы и постановления, принятые на
IX и X сессиях Олий Мажлиса Республики
Узбекистан первого созыва)*

18

О НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРОГРАММЕ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ

ЗАКОН

РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 29 августа 1997 г.

(Ведомости Олий Мажлиса Республики
Узбекистан, 1997 г., № 11—12, ст. 295)

Олий Мажлис Республики Узбекистан постановляет:

1. Утвердить Национальную программу по подготовке кадров.

2. Кабинету Министров Республики Узбекистан разработать и осуществить комплексный план мероприятий по поэтапной реализации Национальной программы по подготовке кадров, обратив особое внимание на финансовое и материальное его обеспечение при утверждении государственного бюджета.

Президент
Республики Узбекистан

И. КАРИМОВ

НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ

ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

Республика Узбекистан осуществляет построение демократического правового государства и открытого гражданского общества, обеспечивающих соблюдение прав и свобод человека, духовное обновление общества, формирование социально-ориентированной рыночной экономики, интеграцию в мировое сообщество.

Главной целью и движущей силой реализуемых в республике преобразований является человек, его гармоничное развитие и благосостояние, создание условий и действенных механизмов реализации интересов личности, изменение изживших себя стереотипов мышления и социального поведения. Важным условием развития Узбекистана является формирование совершенной системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, достижений современной культуры, экономики, науки, техники и технологий.

